

«Катагон курбонлари хотираси» музейини зиёрат қилган кишилар 1916 йил кўзгалонига бағишланган экспозиция олдида узок вақт тўхтаб қоладилар. Бунинг сабаби, шу бўлимнинг сенсор-киоскидан Россиянинг совук ўлкаларига юборилган мардикорлар ашуласининг янграб, ота-боболаримиз бошига тушган мушкул савдоларни эслатишидир.

1916 йил кўзгалони Тавалло, Сидкий Хондайликий, Тошкин (Мўминжон Мухаммаджонов), Хамза сингари шоирларнинг ёзувларидагина эмас, балки халқ оғзаки ижодида ҳам ёрқин ифодасини топган. Шундай асарлардан бири узок йиллардан бери халқнинг тарихий хотирасидан ўчмай келаётган “Николай кон жаллоб” кўшиғидир. “Поездингни жилдирган...” сатрлари билан бошланувчи бу кўшиқ матни билан танишган киши унинг 1916 йил кўзгалонига сабаб бўлган “кон жаллоб” – Николай II нинг фармони асосида мардикорликка олинган ва Россия ўрмонларида мушкул бир шароитда дарахт кесган йигитлардан бирининг пажмурда қалбидан отилиб чиққанини сезмай иложи йўқ. Эҳтимол, унинг дилини ўртаган, она юртига, ота-онасига соғинч хисси балкиб турган бу кўшиқ оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида, яна янги-янги сатрлар ва бандлар билан бойиган, айрим мисралари эса ўзгаргандир. Хар холда, бу кўшиқнинг узок вақт давомида халқ ижоди намунаси сифатида яшаб келиши бежиз эмас.

Лекин ўтган асрнинг етмишинчи йилларида намангонлик айрим ижодкорлар ушбу кўшиқ матни Худойберди Корабоев исми хамшахарлари қаламига мансуб, деган даъво билан чиққанлар. Худойберди Корабоевнинг Одилжон Эгамбердиев деган қариндоши эса, унинг “Мен қушимни қозга қолсам...” деган шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаган. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти маъмур тўпламдан жой олган шеърларнинг Худойберди Корабоев қаламига мансублигидан шубҳаланиб, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига тақриз учун юборган. Аммо танитки фольклоршунос Тўра Мирзаевнинг институт номидан берилган тақризи ўта салбий бўлишига қарамай, нашриёт тўпламни 1980 йили нашр қилади. Бунинг устига Тўра Мирзаев худди ижобий тақриз бергандек, унинг номини тақризчи сифатида қайд ҳам этади. Ваҳоланки, тақризчи тўпламдан жой олган аксар шеърларнинг халқ оғзаки ижодига мансублигини аниқ мисоллар билан исботлаган эди. (Тақризнинг қисқартирилган нусхаси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 1981 йил 24 апрель сонидан босилган).

Худди ўша йилларда, бошқа бир фольклоршунос Малик Муродов телевидение орқали чиқишларида Худойберди Корабоевнинг намангонлик қамондошлари хотирасида қолган “Оқмас Қарасқоннинг суви” достони ва айрим шеърлари тўғрисида гапириб, унинг миллатпарвар ва ватанпарвар шоир сифатидаги жиҳатларни жўшиб таърифлаган. Фольклоршуноснинг жўшқин нутқини эшитганлар орасида Худойберди Корабоевни яхши билган махфий хизмат ходими бўлиб, унинг “босмачилар”га ҳам, чекистларга ҳам барабар хизмат қилганини айтиб, шундай “мунофиқ киши”нинг асоссиз улуғланаётгани хақида тегишли идораларга хат ёзган. Худойберди Корабоевнинг айрим шеърлари қиритилган “Тирик сатрлар” тўплами нашри ўша захоти тўхтатилиб, табиийки, Худойберди шоирнинг шеърлари ундан олиб ташланган.

Аммо, орадан бир неча йил ўтиб, маъмур воқеа “унутилгач”, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Худойберди шоирнинг шеърларини юқорида қайд этганимиз “Мен қушимни қозга қолсам...” деган ном билан тўплам шаклида қоп этган.

Худойберди Корабоев, чиндан ҳам, 1916 йилда мардикорликка олиниб, Россиянинг гарбий худудларига юборилган. У шоиртабиат, бадиҳагўй киши бўлибгина колмай, мусикага ҳам хавасманд бўлган. Эхтимол, у мусофирликда кўрган-билган ва ўз бошидан кечирган воқеаларни назмга тизгандир. Аммо, афсуски, унинг бирорта шеъри хаётлик пайтида чоп этилмаган. Босмачилар уни 1919 йилда вахшиёна катл этганлар ва шу килмишлари билангина каноатланиб колмай, асарларини куйдириб ташлаганлар. Шу тарзда, ундан бирор ёзма асар бизгача етиб келмаган.

Одилжон Эгамбердиев ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида нафакат Фаргона водийси, балки Киргизистон ва Тожикистоннинг шаҳар ва кишлокларида, шунингдек, Сурхондарёнинг Вахшивор, Хонжизза каби гўшаларида яшаган саксонга якин кишилардан ёзиб олинган шеърларни Худойберди шоирнинг асарлари сифатида мазкур тўпламга киритган. Кизиги шундаки, манба сифатида тилга олинган саксондан зиёд кишилар орасида Сайфиддин Жалилов, Набижон Кобилов, Саида Зуннунова, Эътибор Охунова, Назиржон Саидов, Исмоил Тўлак, Фарид Усмон, Усмон Шукур, Кобилжон Усмонов, Бахром Жалилов сингари ўтган асрнинг йигирманчи-эллигинчи йиллари оралигида тугилган, бинобарин, Худойберди шоирни кўришидан олган “маълумот”га таянган холда, тўпламга шундай шеърларни киритганки, агар вақт топиб ахтарсангиз, уларнинг аксари халк кўшиклари ёки уларнинг бузилган нусхалари бўлиб чиқади. Бу, масаланинг бир томони.

Одилжон Эгамбердиев Худойберди Корабоевнинг Февраль тўнтаришидан сўнг, она юртига кайтишини тасвирлаб, унинг дунёкарашида рўй берган кескин ўзгариш тўғрисида бундай маълумотни берган: “Худойберди билан бирга граждандар урушининг кахрамони, Андижон округ сиёсий идорасининг бошлиги Терехов, Н.А. Резников (Х.Девонунинг дўсти, темир йўл ишчиси – Н.К.) билан бирга Андижонга соғ-саломат кайтишган. Улардан аввалроқ партия топшириги билан Андижонда иш бошлаган ревком раиси Бильдин (дўмликда нутк сўзлаган йигит) мардикордан кайтганларни илик карши олди. Энди шоир милтик ва калам билан чекистлик кила бошлади”. (Таъкид бизники – Н.К., юкорида номи кайд килинган тўплам, 13-бет).

Дарвоқе, Худойберди Корабоев 1917 йилда она заминга кайтганидан сўнг, айна пайтда, хар икки томоннинг топширикларини бажаради. Агар Худойберди Корабоевнинг чекистлик фаолияти бир “конжаллоб” (кон сотиб олувчи) дан кутулиб, иккинчисига гирифтор бўлган эркесвар кишиларга ёкмаган бўлса, унинг “босмачилар” билан махфий алоқада бўлиши чекистларда унга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлади. Хуллас, Худойберди Корабоевнинг большевиклар манфаатида хизмат килаётганини кечирмаган “босмачилар” уни вахшиёна равишда махв этадилар. Чекистлар эса, унинг ўлиmidан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, одамларда “босмачилар”га карши газаб-нафрат кайфиятини уйғотадилар ва собик чекистнинг маълум даражада идеаллашишига йўл очиб берадилар.

Бу, масаланинг иккинчи томони.

Масаланинг яна бир томони шундаки, хар қандай илмий ва гайриилмий бахслар ўқтин-ўқтин такрорланиб турганидек, “Мардикорлар ашуласи”нинг муаллифлиги масаласи ҳам шу кунларда айрим тарихчи олимларни кизиктириб колган кўринади. Яқинда андижонлик таникли олим, тарих фанлари доктори, профессор Р.Шамсутдинов шогирди К.Бозоров билан бирга “Андижондаги 1916 йил кўзголини тарихидан лавхалар” сарлавхали мақоласини эълон килди. Андижон Давлат университети “Илмий хабарнома”сининг 2010 йилдаги биринчи сонидан чоп этилган мазкур мақолада,

жумладан, шундай сўзлар ёзилган: “Мардикорликка ўнбоши килиб тайинланган Худойберди Корабоев мардикорлик мавзусида ёзилган ва халкимиз орасида машхур кўшик бўлиб кетган “Дўнгалагим” шеърининг муаллифидир...”

Макола муаллифлари ушбу сўзлардан сўнг шеър матнини тўла келтириб, яна давом этганлар: “Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда эълон килинган айрим тарихий асарларда... бу шеърни халқ оғзаки ижоди махсули деб, хатто, матни бир оз ўзгартирилган тарзда берилмоқда. Жумладан, Х.Зиёевнинг асарида: “Поезднинг жилдираги, Устахонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди Мард йигитнинг бир бўлаги”, шаклида, “Ватан тарихи” китобида эса: “Поезднинг жилдирган, Ўтхонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди Мард йигитнинг бир бўлаги”, деб берилган. Холбуки, ҳозирда пойтахтдаги “Катагон курбонлари хотираси” музейи залларида янграб турувчи “Дўнгалагим” ашуласининг матни ҳам Х.Корабоев матни билан бир хил”.

Муаллифлар “Х.Корабоев матни”дан олинган бир бандни келтириб, “шеърнинг муаллифи Х.Корабоев дейишга асос етарли”, деб масалага нукта қўйгандек бўлсалар-да, илмий этикага риоя қилиб, яна ёзганлар: “Албатта, хали бу бахсли масалани узиш-кесил, хужжатли асосда хал қилиш вазифаси олдинда турибди, насиб қилса, буни уйдлармиз ҳам”.

Маълумки, йигирманчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб, ўзбек фольклорчиларининг янги авлоди Тошкент, Жиззах, Фаргона, Андижон сингари шаҳарларга бориб, халқ ўртасида тарқалган тарихий мавзудаги кўшиқларни ёзиб олишга алоҳида аҳамият берган. Шундай кўшиқларнинг бир қисми Ходи Зариф томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек фольклори” (1939) мажмуасида илк бор эълон қилинган. Бахс боиси бўлган “Мардикорлар ашуласи” ҳам шу мажмуада “Николай қон жаллоб” номи билан чоп этилган. Бошқа аксар халқ кўшиқларининг қимдан ёзиб олинганлиги қайд этилган бўлса-да, мазкур кўшиқнинг манбаи негадир тузувчи томонидан кўрсатилмаган. Тахмин қилиш мумкинки, Ходи Зариф бу кўшиқни турли шаҳарларда турли қишлоқларда ижросида эшитган ва ёзиб олган. Шунинг учун ҳам кўшиқ матнини диққат-эътибор билан ўқиган китобхон унинг бир эмас, бир неча қишлоқлар ижодининг махсули эканлигини сезмай қолмайди. Ходи Зариф мазкур кўшиқ матнини унинг бир неча версия нусхалари асосида тиклаган бўлиши мумкин, балки шунинг учун ҳам ижрочи исмини қайд этмагандир.

1916 йил кўзғолонининг йигирма йиллиги муносабати билан ўзбек адабиёти ва санъати асарларида чоризмнинг “халқлар турмаси” сифатидаги образини ёритишга алоҳида эътибор берилди. Шу муносабат билан “Николай қон жаллоб” шеъри “Дўнгалагим” номи билан кўшиқ қилиниб, радио орқали ижро этилди. Мазкур кўшиқ маргилонлик машхур хофиз Акбар Хайдаров ижросидаги лаппаги эса халқ ўртасида катта шухрат қозониб, ўз даврининг мусикий “хит”ларидан бирига айланди. Одилжон Эгамбердиев “Дўнгалагим” шеърини шу пластинкадан кўчириб олган. Буни Одилжон Эгамбердиевнинг “Худойберди шоирнинг “Мен қушимни қозғасам...” тўпламига қирган кўшиқ ва шеърлар ...ёзиб олинган, топилган қўл ёзмалар, кўшиқлар ёзилган қондир пластинка ва турли хотиралар асосида тикланди”, деган сўзлари тасдиқлаб турибди.

Агар эътибор берсангиз, тўпламдаги “Дўнгалагим”дан бошқа бирор шеърда “Двинска” топоними учрамайди, аксинча, бир неча шеърда “Сизрань” шаҳрию Волга дарёси тилга олинадил, қолс. Агар Сизрань Волга дарёси тармоқлари ўтган ерда жойлашган бўлса, Двинска, аксинча, 1893-1917 йилларда шундай деб қўйилган, аммо Латвиянинг Даугава дарёси ёқасида жойлашган, ҳозирда Даугавпилс деб аталган пристань-шаҳардир.

“Николай кон жаллоб” кўшигининг ижодкори мардикорлик йилларини ўша ерда ўтказган.

Энди, мазкур кўшикнинг Ходи Зариф нусхаси билан танишиб кўрайлик:

Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги.
Двинска кетишди
Мард йигитнинг бир бўлаги.

Двинска кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двинска кеткизган
Николай золим замбараги.

Двинска йўл бўлсин,
Қарагайзоринг кул бўлсин,
Йигитларни кийнаган
Николайнинг йўк бўлсин.

Тошкентингиздан миниб,
Тўп остидан чиқдилар.
Оналари: “Вой, болам!” деб,
Қафан тўнин бичдилар.

Ўтхонасини кичкиртиб
Истансага юргизди.
Кўктеракка етмасдан
Соз дуторимни синдирди.

Сув ошини ичмайман,
Этигимни ечмайман.
Қорда қарагай кесганман,
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.

Олиб ўтиб Одесга,
Иморатига яратди.
Тиззамиздан кон сўриб,
Ўз фойдасига қаратди.

Ўнг кўлинда бир қассоб
Чўчкани сўяди бехисоб.
Бизни тўққиз ой ишлатди
Николай деган кон жаллоб.

Мазкур кўшик матнининг лаппакдан ёзиб олинган нусхасида баъзи бир сўзлар ва сатрлар ўзгартирилган ёки тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, матнга “Сизрань” ва

“Андижон” сўзлари киритилган. Масалан:

Бизни тўккиз ой ишлатди
Сизрань деган ўрмонда.

Кетолмаймиз Андижон,
Бир чака йўк кармонда.

Агар кўшикнинг Ходи Зариф нусхасида Николайнинг тахтдан ағдарилгани ва мардикорларнинг энди ўз ватанларига қайтиши мумкинлиги тўғрисида бирор имо-ишора бўлмаса, “Андижон нусхаси”да худди шу мотив етакчилик қилади:

Тахта кўприк битдими,
Поезд келиб ўтдими?
Мардикор олган Николай
Ўз тахтидан кетдими?

Бу ҳар икки матнни ўзаро қиёслаш кўшикнинг муайян бир муаллифга мансуб эмаслигини, унга хатто фольклорчи олимлар ёки кўшик санъатидан озми-кўпми хабардор кишилар ҳам қўл урганларини кўрсатади. Бинобарин, бундан қарийб юз йил аввал яратилган халқ кўшикларининг муаллифлиги масаласига оид бахслар самарасиз эканлиги, шубҳасиздир.

Наим КАРИМОВ, профессор (Шарк юлдузи)